“ИСТАНБУЛ ФОЖЕАСИ” ДОСТОНИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Баҳриддиновна

В статье рассматриваются жанровые особенности драматической поэмы Эркина Ваҳидова “Стамбулская трагедия”.

The article deals with the genre peculiarities dramatic poem The Tragedy of Istambul” by Erkin Vohidov.

Адабиётшуносликда жанр масаласи мураккаб эстетик тушунча ҳисобланади. Шу туфайли бу борада баҳс-мунозараларнинг бўлиши табиий ҳол. “Жанр бадиий асар хусусиятларини белгилайдими йўқми?” деган саволга ҳамма турлича жавоб беради. Б.Кроче бу масалада шундай дейди: “Санъат ҳеч қандай чегара ва ўлчовларни тан олмайди. У чегарасиз руҳнинг ҳар томонлама ифодасидан иборат бўлади. Санъат асарларини ҳар қандай тасниф қилишга уриниш маънисиздир, жанр деган нарсанинг ўзи йўқдир, у ҳақда гапириш интеллектуал адашувдир”[1.36]. Аслида адабий тур ёки жанрнинг ўзи адабиёт ҳақидаги тушунчаларни бартараф этади деб ўйлаш унчалик тўғри эмас. В.Г.Белинский “Поэзиянинг хилларга ва турларга бўлиниши” асарида адабий асарларни турларга, жанрларга бўлиш бир адабий тур хусусиятларини аниқроқ тушуниб олиш учун қўлланилган шартли бир усул эканини эътироф этади [2.510].

Умуман, тур ва жанрлар ўртасида қатъий чегара, хитой девори йўқ. Бир жанрга мансуб асар ўзида ўзга жанр хусусиятларини ҳам акс эттириши мумкин. Адабиётнинг энг баҳсли жанри поэма ҳам бундан мустасно эмас. Боиси “ ...поэма бир турнинг эмас, барча турлар маҳсули. У эпик ҳам (“Страна Муравия”, “Василий Тёркин”), лирик ҳам (“Середина века”, “За далью даль”), драматик ҳам (“Миндаугас”) сатирик ҳам бўлиши мумкин” [3.10].

Эркин Воҳидовнинг “Истанбул фожеаси” асари муаллиф ва адабиётшунослар томонидан шеърий драма деб юритилса-да, у драматик достондир. Асар композицион қурилиши жиҳатдан шеърий драмага яқин туради. Бироқ ҳар бир адабий жанрнинг ўзига хос хусусияти унинг табиатидаги лирик, эпик, драматик асосдан бирортасининг нечоғлик устуворлиги билан белгиланади.

Асарнинг саҳнага қўйилиши ёки қўйилмаслиги, унинг қандай аудиторияга мўлжаллаб ёзилгани жанрнинг ўзига хослигини белгилаб беролмайди. Адабиётшунос Ш.Ҳасанов: “Агар мазкур достон драма бўладиган бўлса, ундаги воқеалар **бўлиб ўтган** қилиб эмас, **ҳозир бўлаётгандек** тасвирланиши керак бўларди. Достон қаҳрамонлари ҳаётидаги ситуациялар турли даврларда, турли маконда бўлиб ўтади. Асарда драматик турга хос ҳаракатдан кўра поэмага хос мушоҳадакорлик, фикрий ва ҳиссий чуқурлик устун” [4.50],- дея асар жанрини тўғри белгилайди.

Достонда ижодкорнинг персонажлар характерини очишдаги ўзига хос тасвир усуллари, характерлар замиридаги драматизмни персонаж фаолияти ёки мушоҳадалари орқали ёритилишига чуқурроқ назар солинса, драматик достон ва шеърий драма ўртасидаги фарқ кўринади. Асарда драматизм ва лиризм кучли. Қаҳрамонлар руҳий олами ифодаси, ички монологларда сермушоҳадалик кўзга ташланади. Бу белгилар драматик достон спецификасига хос. С.Мамажонов “Поэмада инсон ва замон” мақоласида: “Поэмачиликда драматик жанр белгилари (бу конфликт кескинлигида, диологик нутқ вазнининг ошишида, персонажлар сонининг кўпайишида ва асар сюжети ривожининг характерлар мантиқи ҳамда курашидан келтирилиб чиқарилишида) равшан кўринмоқда. Драматик достон деган терминнинг келиб чиқиши ҳам

шундан” [5.105],- дея драматик достонга изоҳ бериб ўтади.

Достонда шоир томонидан танлаб олинган воқеа сюжети ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Достонда муаллиф иштироки кўринмайди. Асар сюжети диалог, монолог, ички монологлар ҳисобига ривожланиб боради. “Истанбул фожеаси”да ўз даврида яратилган достонлардан фарқли ўлароқ, ҳаёт сўқмоқларида адашган чигал қисмат эгаларининг фожеаси, инсонларнинг маънавий қиёфаси акс этган. Достон қисматнинг чигал йўлларида Ватандан айро тушганлар ҳақида. Шоирнинг ўзи асарнинг ёзилиши хусусида шундай ёзган: “Мен чет элларда сафарда бўлганимда турли сабабларга кўра хорижда қолиб кетган ватандошларни кўрганман. Уларнинг кўзлари тубига чўккан дард юрагимда из қолдирган. Бу кўзлар баъзан хаёлимда гавдаланади, азоб беради” [6.220].

Достон қаҳрамони Искандар уруш ваҳшатлари туфайли душман қўлига асир тушиб, ўлим чангалидан тирик чиқиб, лекин ўз юртида ўлди ҳисобланиб, қаҳрамонга айланган одам. У урушнинг “энг бахтсиз қурбони, тирик қурбони”. Унинг номи билан қишлоғи Искандаробод бўлган, ўзи ўқиган мактабга унинг шарифи берилган. Унинг шуҳрати соясида акаси Жалол юртда донғи кетган раис... хуллас, ҳаммаси рисоладагидек эди. Саёҳатга борган эрхотин Истанбулда тасодифан “марҳум” укани учратиб қолдилару, воқеалар чаппасига айланди. Ака-уканинг бир қизга кўнгил қўйиши, ўзи севган қизнинг акасига ёр бўлишига чидолмай, ўз қисматига аччиқ қилиб, ўзини уруш ўпқонига отган, бир умр ватангадолик қисмати билан яшаган ука тақдири, ўз манфаати, шон-шуҳратини ҳар нарсадан устун қўювчи инсонлар тақдирини ёритар экан, шоир ҳаёт зиддиятлари, инсон руҳий оламининг чигал,мураккаб нуқталарини ҳаққоний очиб беришга интилади. Достонда биз шафқатсиз ҳаёт ҳақиқатига дуч келамиз. Асар қаҳрамонлари кечикиб бўлса-да ўз хатоларини тан оладилар. “Истанбул фожеаси”нинг ёзилишига сафар баҳона бўлган эса-да, асл сабаб – ҳаёт чигаллиликларидир. Бу асарда содир бўлган воқеани хоҳлаган мамлакатга кўчиришимиз мумкин. Асарда қаҳрамонлар қисмати, замоннинг муҳим ижтимоий ходисалар, маънавий ҳаётдаги муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

Достон воқеалари анъанавий тарзда, Туркия саёҳатида юрган эр-хотиннинг сафар таассуротларидан бошланади. Гуруҳдан ажралиб қолган Саодат ва Жалолни таъқиб қилаётган шарпа – бир вақтлар урушга кетиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган укаси Искандар бўлиб чиқади. Асар воқеалари драматик достонларга хос тарзда шиддат билан ўсиб боради. Узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган айрилиқ Искандар қаддини букиб қўйган, уни руҳий хаста кимсага айлантирган. Унинг зиддиятли кечинмалари китобхонни ўйга толдиради. Шоир ўз қаҳрамони ички дунёсидаги ҳолатларни уруш ҳамда барбод бўлган илк беғубор севги изтироблари фонида ишонарли тарзда очади. Искандар характерида психологизм чуқурлашган. Достонда қўлланилган диалоглар сюжетни кескинлаштириш, драматизмни кучайтиришга хизмат қилган.

Мунаққид Иброҳим Ғафуров достон тўғрисида сўз юритганида “шоир манфаат фалсафасининг жирканч қиёфасини намоён қилган”ини айтиб ўтади. Достондаги Жалол образи ана шундай образлардан. Бундай инсонларни гўё манфаат деб аталган чўпон пода қилиб хайдаб юради. Жалол – мураккаб образ. Унинг характерида зўравонлик, шуҳратпараслик, қаллоблик, ўз манфаатини ўйлаш билан биргаликда ҳақиқатни кеч бўлса-да тушуниш, хатоларини англаш, тан олишдек ижобий хислатлар ҳам кўринади. Бу ҳолат достоннинг ҳаётийлигини таъминлаган.

Кўриниб турибдики, драматик достонда қаламга олинган ҳаёт материали анча кўламли, воқеалар “ўтмишда – ҳозир” тарзида алмашиниб туради, улар турли жойларда юз беради. Шу сабаб ҳам драматик достондаги ҳаёт материалини драматик сюжетга уюштириш имкони ҳам, тўла ҳолда саҳнада ижро этиш имкони ҳам йўқ. Худди шу жиҳати драматик достонни шеърий драмадан фарқлайди, яъни драматик достон ҳаёт материалини бадиий асарга олиб киришда муаллифга бирмунча эркинлик беради. Яна бир жиҳати, драматик достон, шеърий драмадан фарқли ўлароқ, муаллиф муносабатини ёркин ифодалаш имконини қолдирадики, муаллифнинг шоирлиги эътиборга олинса, айнан шу жанр танлангани бежиз эмаслиги аён бўлади. Зеро, муаллиф ўзини намоён этмайдиган драмадан кўра муносабатни анча эркин ифодалаш мумкин бўлган драматик достон шоирга ўнғайроқдир.

Адабиётлар:

1.Кроче Б. Эстетика как наука о выражении и как общая лингивистика.- М.: Искусство, 1963
2..Белинский В. Г. Танланган асарлар.- Т.: Ўздавнашр, 1955
3.Волкова Т.С. Споры о жане поэмы в современной критике. // Научные доклады высшей школы.- М.: МГУ, 1974.
4.Ҳасанов Ш. Ўзбек драматик достони. Филол.фан.ном... дисс.- Самарқанд, 1995
5.Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1978
6.Воҳидов Э. Умрим дарёси. Сайланма. 3-жилд.- Т.: Шарқ, 2001

Ўзбекистон миллий университети,
2012 йил 4 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)